# СОЦИАЛИЗМНИ ЯНГИЛАШ УЧУН, ЛЕНИНИЗМ УЧУН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Миллий сиёсатнинг ленинча принциплари ҳозир ҳам энг мураккаб ва нозик масала бўлмиш миллий масалада йўлчи юлдуздир. Пухта таҳлилга ва аниқ фикрларга асосланиб, ленинча эътибор билан ишлаб чиқилган миллий сиёсатни амалга ошириш — ҳар бир миллатнинг ва умуман мамлакатнинг манфаатларини имкони борича тўлиқроқ ҳисобга олишни, СССРдаги барча халқларнинг қардошларча дўстлиги ва интернационал бирлигини мустаҳкамлашни билдиради.

Лениннинг фикрича, социализмни тўла қарор топтириш учун юксак даражадаги маданият ва маданийлик зарур. Қайта қуриш эса социализмнинг маданий қатламини янада қудратли ва самарали бўлишини таъминлаши лозим.

Биз Лениннинг социализм — инсонпарварликдир, деган фикрига амал қиляпмиз. Янги тузум ўзининг инсонни улуғлаш вазифасини амалда бажариши керак. Бинобарин инсон, унинг бахт-саодати, унинг фикр-ўйлари, унинг меҳнати ва турмуши қайта қуришнинг диққат марказида турибди.

Шундай қилиб, ўртоқлар, Ленин фикрлари, Ленин ғоялари қайта қуриш асосий позицияларининг ўзида ифодаланиб турибди. Ҳозир партия коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг бутун диққат-эътиборини мана шуларга қаратмоқда. Ленин фикрлари, Ленин ғоялари янгича ёндашувни ишлаб чиқишга ёрдам бермоқда, муваффақиятларни кўпайтириш ва қийинчиликларни бартараф этишга асос бўлмоқда.

Апрелдан кейинги ишнинг асосий сиёсий якуни шундан иборатки, партия билан халқ 80-йиллар бошларида жамият келиб қолган кризис остонасидан нари ҳал қилувчи қадам ташладилар, умуман мамлакат ривожида ижобий тенденциялар кучайиб бормоқда. Бу нарса холисона фикрловчи ҳар бир диёнатли кишига равшан. Қайта қуриш турмушнинг чуқур қатламларига кириб бормоқда, халқнинг кучини қулф урдирмоқда. Одамлар социал лоқайдлик ҳолатидан чиқмоқдалар, маънавий жиҳатдан қаддиларини ростлаб олмоқдалар, ўзларининг гражданлик қадр-қимматини ҳис қилмоқдалар.

Янги ижтимоий муҳит — ошкоралик, етилган масалаларни эркин муҳокама қилиш, талабчанлик, ҳар қандай дабдабабозликни ва психологик риёкорликни рад этиш муҳити қарор топмоқда. Жамиятдаги, корхонадаги, коллективдаги ишлар учун ҳар бир кишининг масъулият онги ўсганлиги меҳнат ғайратини ва сиёсий турмушни жўш урдирмоқда. Ленинча коммунистик шанбалик куни ҳам худди шундай бўлди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида принципиал аҳамиятга молик жараёнлар рўй бермоқда. Экономикамиз соғлом негизда ўса бошлади. Ишлаб чиқариш ҳажмларининг кенгайиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига амалда тўла-тўкис таъминлана бошлади. Саноатда беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида ўртача йиллик ўсиш суръатлари аввалги беш йилликдаги 3,7 процентдан 4,4 процентга етди. Маҳсулот таннархи икки ярим баравар тезроқ камаймоқда. Қишлоқ хўжалиги бирмунча узлуксиз ривожланмоқда, дон ҳосили, гўшт ва сут етиштириш кўпайди.

Экономика одамларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини қондириш сари, социал соҳани таъминлашдаги қолдиқ принципини бартараф этиш сари амалий равишда бурила бошлаганлиги ҳам қайта қуриш туфайлидир. Уни ривожлантиришга сарфланган капитал маблағлар дастлабки режаларга нисбатан 10 процентдан зиёд ошди, унинг ўсиш суръатлари эса бутун халқ хўжалигида бўлганидан кўра уч баравар юқори бўлди. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш анча кўпайди. Кейинги икки йил мобайнида 4,4 миллионта квартира қурилди, бу эса қарийб 22 миллион кишининг уй-жой шароитларини яхшилаш имконини берди.

Ютуқлар борлигини кўриб турибсиз. Аммо уларга ортиқча баҳо бериш, айниқса қайта қуриш дуч келаётган қийинчиликлардан кўз юмиш учун асос йўқ. Кўпроқ иш қилиш мумкин эди, албатта.

Халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан реконструкция қилиш мақсадини кўзловчи йирик программалар ҳали жуда суст амалга оширилмоқда. Экономикадаги илғор структура силжишларини амалга оширишда, ресурсларни тежашни кучайтириш, маҳсулотнинг техникавий даражасини ва сифатини ошириш, фондларнинг самарадорлигини ўстириш ишида бир талай чигалликлар бор. Мана шу стратегик соҳаларда ҳали ҳам лозим даражада олға силжилаётгани йўқ. Бу — кенг миқёсли, узоқ муддатли вазифалардир. Шу боисдан ҳам бу вазифаларни бажариш учун жамиятнинг бутун кучини имкони борича тўла-тўкис ишга солиш, юксак интизом ва уюшқоқлик, ҳар бир ходимнинг ташаббускорлиги керак. Хуллас, иш суръатини ошириш, истисносиз ҳамма кишилар суръатни ошириши лозим.

Қайта қуриш — меҳнат ва курашдир, социализмнинг келажаги учун, унинг ўтмишидаги имиллашга қарши, орқага судрайдиган иллатларга қарши курашдир. Қайта қуришнинг биз қадам қўйган янги босқичида бир-бири билан боғлиқ икки вазифа — туб иқтисодий ислоҳот ва жамият билан партиянинг турмушини демократиялаш вазифаларини ҳал этиш шу курашнинг асосий майдони бўлиб қолди. Иқтисодий ислоҳот — социализмни янгилашнинг, унга илғор, демократик формалар бахш этишнинг таркибий жиҳатидир. Ўз навбатида, демократиялаштирмай туриб халқни қайта қуришга жалб этиб бўлмайди, инсон омилини кучайтириш ҳақидаги даъватлар мавҳум чақириқлар бўлиб қолаверади. Ҳозир барча соҳалардаги ҳаракатимизни илгари силжитиш суръатлари мана шу иккала жараённи қўшишга, улар бир-бирини кучайтиришига боғлиқ бўлади.

Яқин йилларда бошқарувнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилган, буйруқбозлик системасидан устун даражада иқтисодий усулларга, марказчилик билан ўз-ўзини бошқаришнинг энг мақбул тарзда бирга қўшиб олиб боришга асосланган демократик системасига ўтишни таъминлашдан иборат аниқ-равшан мақсад ўртага қўйилган. Ислоҳот корхоналарнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кескин кенгайтиришни билдиради. Планлаштиришнинг янги тартибини ўзлаштириш, бошқарувнинг ташкилий структураларини ўзгартириш, нарх белгиланишини такомиллаштириш, молияни соғломлаштириш, ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосига ўтиш — ҳозирги пайтнинг энг муҳим вазифалари жумласига киради.

Бироқ ҳамма муаммолар бошқарувнинг турли поғоналарида ҳал этилишини кутиб туриш ҳам ярамайди. Муваффақият пировард натижада меҳнат коллективларининг ўзларида таъминланади. Уларни хўжалик юритишни қайта қуришга актив жалб қилмай туриб ислоҳотни мутлақо амалга ошириб бўлмайди. Ходимларнинг омилкорлик туйғусига ва манфаатдорлигига таянмай, меҳнат коллективларидан «юқори» туриб, аппаратдан буйруқ бериш орқали ўзгартишлар қилишга уринилаётган жойларда иш юришмаётганлигига дастлабки тажриба ишонч ҳосил қилдирмоқда. Чунки қуйи бўғинлар пассив бўлса хўжалик ҳисоби ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш каби янги хўжалик механизмининг асосий ҳаракатлантирувчи омиллари ҳам ишга тушмайди.

Иқтисодий қайта қуриш стратегияси унинг шундай тактикаси билан мужассамлашмоғи керакки, бунда ҳалақит бериш механизмини бузиб ташлаб, янги шароитларга ўтиш билан боғлиқ қийинчиликлар жуда кам бўлишини иш манфаатлари талаб қилмоқда. Яхшироқ, самаралироқ ишлаётган коллективлар, меҳнатчилар яхшиланишни тезроқ сезиб оладиган бўлишлари керак.

Социалистик хўжалик юритиш шаклларининг хилма-хиллигини кўзлаб иш тутиш — иқтисодий ўзгартишларнинг жуда муҳим жиҳатидир. Бизда яхлит социалистик иқтисодий система бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. У хилма-хиллик касб этар экан, янада мослашувчан ва янада кўпроқ барқарор, бинобарин эса истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини кўпроқ даражада қондиришга қодир бўлиб қолади. Кооператив ҳаракатни қайта тиклашнинг кооператив ташкилотларни давлат корхоналарининг тенг ҳуқуқли шериклари тарзида ривожлантиришнинг, хўжалик турмуши турли соҳаларига кооператив негизларни жорий этишнинг маъноси мана шундан иборат. Меҳнат фаолиятининг якка тартибдаги шаклларини ривожлантириш ҳам экомоника манфаатларига, жамият эҳтиёжларига мос келади.

Экономикани ривожлантириш соҳасидаги жамики куч-ғайратлар пировард натижада асосий мақсадга: совет кишиларининг турмушини яхшироқ ва мазмунлироқ қилишга, бу ишни қачонлардир олис келажакда эмас, балки айни ҳозирги вақтда қилишга бўйсундирилган. Халқнинг озиқ-овқатга, уй-жойга, молларга ва хизматларга талаб-эҳтиёжларини қондиришни амалда таъминлаш учун, соғлиқни сақлашда, халқ маорифида жуда қисқа муддатларда туб бурилишга эришиш учун ҳамма кишилар ҳозир доимо куч-ғайрат сарфлашлари, сабот ва ғайрат билан ишлашлари керак.

Бу хусусда давлатимиз қарорлар қабул қилди. Мамлакат миқёсларида яхшилик сари силжиш бошланди. Халқ бу силжишларни сезиб олди. Аммо ҳамма жойда ҳам силжишга баб-баравар эришилмаётганлиги безовта қилмай қола олмайди. Экономикани юксалтиришга самарали равишда эришилаётган, ёрдамчи хўжаликни ва колхоз бозорини ривожлантираётган, хизмат соҳасини кенгайтиришдаги, якка тартибда ва кооператив уй-жой қуришдаги ташаббус қўллаб-қувватланаётган — хуллас, одамларнинг эҳтиёжлари ҳақида чинакам ғамхўрлик қилинаётган регионларда ўзгартишлар сезилиб турибди. Юқоридан ниманидир бамайлихотир кутиб турилган, мавжуд резервлар ишга солинмаётган жойларда натижалар ҳам озроқ бўлмоқда. Ҳеч кимнинг: на марказнинг, на маҳаллий органларнинг, на меҳнат коллективларининг ҳозир социал масалалардан четда туришга ҳақи йўқ.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги ошганлиги ҳозирги куннинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бу — демократик жараёнга озиқ бераётган куч-ғайратнинг жонли манбаидир. Ҳозир совет жамиятига таъсирчан, кучли тарзда намоён бўладиган демократия керак, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, сайлаб қўйиш, меҳнаткашларнинг бошқарувда ва контролда амалий қатнашуви керак. Ўшанда янгиланиш сиёсатини миллионлар бажонидил қабул этиб, қўллаб-қувватлайдилар ва қудратли ҳаракат билан кучайтирадилар.

Партия юзаки демократияни эмас, балки жамиятнинг томир-томиригача етиб борадиган, унинг сиёсий системасини ривожлантиришга қаратилган демократияни назарда тутмоқда. Социалистик давлатимизнинг сиёсий асоси бўлмиш халқ депутатлари Советларининг ролини тубдан ошириш, уларнинг тўла ҳокимиятини таъминлаш зарурлиги — ҳозирги энг муҳим масаладир. Айни Советлар бевосита оммага таяниб, барча ўзгартишларда фаол қатнашиши, халқнинг ўз-ўзини бошқаруви обрўли ва серҳаракат органлари тарзида майдонга чиқиши, Ленин «хўжалик қурилишига тўсқинлик қилаётган катта камчиликлардан бири», деб таърифлаган идоравий тарқоқликка қарши изчиллик билан курашиши лозим. Аҳолининг меҳнати, турмуши ва дам олиши масалаларини комплекс ҳал этиш учун масъулият — Советлар зиммасида. Улар хўжалик юритишдаги, маданий қурилишдаги, турмуш тарзини соғломлаштиришдаги жамики илғор усулларни оммалаштиришга ташаббус билан кўмаклашишлари мумкин.

Ҳокимият ва бошқарувнинг юқоридан қуйигача халқ назорати остида бўладиган механизми янгиланиш мақсадларига мос келади. Яъни бу механизм демократик йўл билан шакллантирилади ва ўзини ўзи бошқариш негизларини ривожлантириш ҳисобига такомиллаштирилади, давлат масалаларини ҳал этишда субъективизмни, жамоатчилик фикри ва одамларнинг манфаатларига ҳар қандай менсимай қарашни истисно этади. Бошқарув аппаратини қайта тузиш соҳасидаги иш ҳам шу мақсадда ўтказилмоқда, унинг вазифаси бошқарув аппаратига замонавий регионал шаклларни бахш этишдан, бесўнақайлик ва қотиб қолганликдан халос этишдан, изланувчан, билимдон кишиларни олдинги ўринга ўтказиб қўйишдан иборат. Эски қолоқлик янги қиёфада яна жонланмаслигига, ўтказилаётган қайта қуриш натижасида аппарат сифат жиҳатидан ўзгаришига, ижодий ишлай бошлашига, қайта қуриш ғоялари руҳида яшашига эришиш муҳимдир.

Ҳақиқий демократиялаш қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳамма жойда қонунларга риоя этиш ва уларни бузганлик учун жазонинг муқаррарлиги заминида содир бўлиши мумкин ва лозим. Қайта қуришни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида ҳам кечикиш ярамайди: бундай қилиш маъмуриятчилик ихлосмандларига қўл келган бўлур эди, жамоатчиликни ғазаблантираётган масъулиятсиз унсурларнинг ҳуқуқни менсимасликлари учун, демократияга қарши чиқишлари учун имконият қолдирган бўлур эди. Бундан буён ҳам қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, қонунларни такомиллаштириш, аҳолининг ялпи юридик маълумотини йўлга қўйиш ҳам лозим. Бусиз социалистик ҳуқуқий давлат яшай олмайди.

Партия одамларнинг ўз манфаатлари ва талаб-эҳтиёжлари бутун хилма-хиллигини изҳор этиш имконини берадиган ижтимоий ҳаваскорлик шаклларининг турли-туманлигини ҳам ўстиришни табриклайди. Янги бирлашмалар, шу жумладан норасмий деб аталган бирлашмалар вужудга келганлиги кўпгина ижтимоий муассасаларнинг ишидан, улар фаолиятининг мазмуни ва усулларидан қаноатланмаслик далилидир. Касаба союзлари ва комсомол, бошқа оммавий жамоат ташкилотлари, ижодий союзлар ва кўнгилли жамиятлар аҳоли барча табақаларининг манфаатларини имкони борича тўла-тўкис ҳисобга олиб, ифодалашлари, уларни ижтимоий тараққиётга хизмат қилдиришлари лозим. Чунки қайта қуриш йўлидаги умумхалқ ҳаракатининг жўшқинлиги одамларнинг социал ижодкорлиги кўламига боғлиқ бўлади.

Партия ўзгартишларда касаба союзлари жуда фаол қатнашиши лозим, деб ҳисоблайди. Касаба союзлари иқтисодий ислоҳотни ва социал программаларни амалга оширишга, меҳнат коллективларининг бутун турмушини ташкил этишга ўз ҳиссасини тобора кўпайтира бориши лозим бўлган қудратли ижтимоий кучдир.

Ёш авлоднинг жамиятни янгилашдаги ўрни ҳақида алоҳида гапирмоқ керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ қайта қуриш кўп жиҳатдан ёшларнинг иши бўлиб қолди. Келгусида унинг роли беқиёс — катта бўлиши мутлақо равшан. Мана шундай шароитда Ленин комсомолининг йигит ва қизлар тарбияси учун масъулияти ортмоқда, унга ёшлар ҳаракатининг чинакам сиёсий раҳбари эканини намойиш қилиш, йигит ва қизларни қайта қуришга, демократик жараёнларга кенгроқ жалб этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун янги имкониятлар яратилмоқда. Бу — биз, кекса авлоднинг ҳам ишидир, партиянинг ишидир.

Биз белгилаган ҳамма режаларнинг рўёбга чиқиши бутун кучни ишга солиб, ташаббускорлик ва билимдонлик билан буюк давлатнинг гражданларига хос тарзда ишлашни ўрганиб олиш керак, деган бир қарашда оддий ҳақиқатни жамият, ҳар бир совет кишиси англаб олишига боғлиқдир.

## Сиёсий раҳбарликнинг ленинча илмини эгаллаб олайлик

Ўртоқлар! В. И. Ленин революцияни тарих локомотиви билан қиёс қилишни яхши кўрарди. У бурилиш даврида сиёсий раҳбарлик илмини «локомотивни жадаллаштириб юбориш ва уни изларда ушлаб қолиш»дан иборат, деб билар эди. Владимир Ильич партиянинг вазифасини оммага бош бўлиб бориш, халқнинг активлигини ривожлантириш, уни революцион мақсадларга эришиш сари аниқ йўналтириб туришдан иборат, деб тушунар эди.

Ҳозир ҳам Коммунистик партия жамиятни революцион янгилашга бошчилик қилмоқда. Айни КПСС етилган ижтимоий эҳтиёжни ифодалаб ўз ташаббуси билан мамлакатдаги ялпи ўзгартишлар жараёнини бошлади. Партия ўзининг раҳбарлик ролини ўзгартишларни жадал олға силжитишдан, социализмнинг қудратини оширишдан, уни инсонга хизмат қилдиришдан иборат, деб билади. Партия — қайта қуришнинг жон-тани, улуғ Ленин иши давомийлигининг кафилидир. У ССР Иттифоқидаги барча миллат ва элатларни ягона қудратли давлатда жипслаштиришни таъминлайдиган умумхалқ интернационал кучдир.

В. И. Ленин коммунистик авангарднинг жамиятдаги раҳбарлик роли ва обрў-эътиборини қарор топтиришда ҳеч қандай автоматизмни тан олмас эди. Унинг фикрича, нақадар шонли тарихга эга бўлмасин, партиянинг авангардлик роли унинг сиёсати, унинг омма билан алоқалари, фаолият услублари ва методларининг, шу фаолият натижаларининг ҳосиласидир. Партиянинг ўзгартишлар динамикасидан, омманинг кайфиятидан ҳар қандай орқада қолиши ижтимоий онгни шакллантиришда таҳликали нуқсонларга, бунёдкорлик иши маромини издан чиқаришга олиб бориши мумкин.

Лениннинг сиёсий маҳорат сабоқлари — тарихгина эмас. Бу сабоқлар ҳозир ҳам яшаб келмоқда. Улар раҳбарлик илмини доимо эгаллаш зарурлигини, жамиятни янгилаш табиий равишда партияни янгилашни ҳам талаб қилишни эслатиб турибди. Ленин таъбири билан айтганда, «партиявий ишнинг **типини** ўзгартириш» лозим бўлган пайтларидагидек жиддий, салмоқли равишда янгилаш лозим. Ҳозир партия ташкилотлари учун кучайиб бораётган ижтимоий активлик шароитида ишлашни, барча масалаларга сиёсий позицияларда туриб ёндашиш ва уларни сиёсий воситалар билан ҳал этишни ўрганиш вазифаси биринчи ўринда турибди. Партия комитетлари учун шу вазифа юксаклигида бўлиш — қайта қуришнинг ҳақиқий штаблари бўлиш, ишга барча коммунистларни жалб этиш демакдир.

Сиёсий жиҳатдан тўғри белгилаб олинган ҳаракатлар вазиятни ва жараёнларни ўз вақтида, чуқур ўрганишни, жамоатчилик фикрини билишни, муаммоларнинг ўткирлигини хаспўшлаш йўлидаги ҳар қандай уринишлардан воз кечишни тақозо этади. Шундагина жамиятда нималар содир бўлаётганини аниқ кўриш ва тушуниш мумкин, воқеаларни бошқариб, уларнинг салбий йўлдан ривожланиши олдини олиш мумкин бўлади. Кабинетлардан чиқиш, одамлар билан доимо алоқа боғлаб маслаҳатлашиб туриш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини билиш, уларнинг тажрибасини жамлай билиш — партиявий ишнинг энг мароқли ва энг зарур жиҳатидир.

Ошкоралик, демократиклик, рўй-ростлик, коммунистлар ва партиясизларнинг фикрига ҳурмат ва эътибор билан қараш партиянинг сиёсатини омманинг манфаатлари билан энг оқилона директиваларга нисбатан мустаҳкамроқ бирлаштириш имконини беради. Одамлар у ёки бу партия комитетининг иши ҳақида эшитган гапларига қараб эмас, балки аниқ-равшан ишларга қараб фикр юрита олсалар, уларнинг шу партия комитетига бўлган ишончи ошади, улар албатта маслаҳат сўраб келадилар ва танқидий мулоҳазаларини айтадилар, кучни қайси соҳага сарфлаш кераклигини айтиб берадилар.

Коммунистлар ўзгартишлар зарурлигини англаб олиши партиявий фаолият соҳасида ҳам турғунликни емиради. Партия комитетлари пленумлари ва коммунистлар йиғилишларининг ташкил этувчилик таъсири ошмоқда. Дабдабабозлик бир чеккага суриб қўйилди, аниқ-равшан танқид қилинмоқда, партиявий ошкоралик ривожланмоқда, интизом мустаҳкамланмоқда. Партия ташкилотларидаги коммунистлар расмиятчиликка, ношуд раҳбарликка янада муросасиз қарай бошладилар.

Сайлаб қўйилган органларнинг қайта қуришга раҳбарлик тўғрисидаги ҳисоботлари партиянинг ўзини демократиялашда, унинг ташкилотлари ишини такомиллаштиришда катта қадам бўлди. Бу ҳисоботлар биринчи бор бутун партия миқёсида айни бир вақтда ҳамма сайлаб қўйилган органлар, уларнинг раҳбарлари, партия комитетлари аппаратининг ҳам кучли, ҳам заиф жиҳатларини аниқлаш имконини берган муҳитда ўтказилди. Муҳокама шуни кўрсатдики, қайта қуришнинг бориши коммунистларни ғоят тўлқинлантирмоқда, уларнинг ҳамма ишни суриштириб, билиб олиш иштиёқи жуда кучли. Ишларнинг ҳолатига бериладиган баҳо ҳақиқий аҳволга яқинлашди. Кўпгина қимматли таклифлар ва танқидий мулоҳазалар айтилди. Мана шуларнинг ҳаммаси партия турмушини жонлантириб юборганлиги шубҳасиз.

Ўз-ўзини танқид руҳидаги рўй-рост гаплашув партиявий раҳбарликнинг ленинча принципларини тўла-тўкис қайта тиклашдан иборат умумий эҳтиёжни яққол намоён этди. Коммунистлар демократия ва ошкоралик «кемтик» бўлса, буйруқбозлик-фармойишчилик усулларига амал қилинса, қоғозбозлик ва мажлисбозлик давом эттирилаверса, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг вазифаси билан шуғулланилаверса одамларнинг қўллаб-қувватлашига умид боғлаб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдилар.

XXVII съезддан кейин унинг ички партиявий масалаларга оид йўл-йўриқлари демократик мазмунини коммунистлар ва партиясизлар оммаси астойдил маъқуллаб кутиб олдилар. Партия турмушининг ленинча қоидалари ва нормаларини тўла-тўкис қўлланиб, бу қоида ва нормаларни ғаразли мақсадлар йўлида қайтадан талқин этиш учун қилинаётган ҳар қандай уринишларни рад этишга интилиш мустаҳкамланмоқда. Афсуски, партияда ҳозир ҳам доҳийчилик дардига мубтало бўлган, лавозимга сиғинадиган, раҳбарларнинг назоратсизлигини ҳам, раҳбарлик қилувчиларнинг бефарқлигини ҳам аввалгидек давом эттиравеpишга интилаётган кишилар бор. КПСС аъзоси учун Уставга мувофиқ яшаш — ҳар бир ташкилотда чинакам партиявий ўртоқлик вазиятини, коммунист ўз нуқтаи назарини бемалол айта оладиган, уни эркин ҳимоя қиладиган, танқидга моҳият эътибори билан жавоб талаб қиладиган вазиятни қўллаб-қувватлаш демакдир.

Меҳнаткашлар қайта қуришга ўз муносабатини шакллантирар эканлар, ўз ёнларида яшаб, ишлаётган партия аъзоларига синчиклаб назар ташлайдилар, уларнинг позициясини, уларнинг феъл-атвори ва ахлоқий қиёфасини, уларнинг коллектив умумий меҳнатига шахсан қўшаётган ҳиссасини баҳолайдилар. Башарти уларнинг кўз ўнгида дангаса, мослашувчан, амалпараст, ғаразгўй ёки маҳмадона инсон партия билети билан намоён бўлса партияга қандай зиён етишини тушуниш қийин эмас. Бизнинг партиявий интизом ва ахлоқдан ҳар қандай чекинишларга нисбатан муросасизлигимиз, КПССга кирувчиларга нисбатан ошиб бораётган талабчанлик мана шундан келиб чиқади. КПСС аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини тобора юқори кўтариш — партиянинг халқ олдидаги масъулиятидир.

Коммунист қаерда ишламасин, қайси лавозимни эгалламасин, партиянинг ўзига хос мухтор вакилидир, у партиянинг йўли учун курашчи бўлиши, одамларга таъсир ўтказиши шарт. Ҳозир янгиликни сўзи ва шахсий намунаси билан мардона ҳимоя қилаётган, ишда ўз зиммасига энг қийин вазифани олаётган, позицияларнинг кескин тўқнашув пайтида ўзини панага олмайдиган, башарти партиявий нуқтаи назар бузиб кўрсатиладиган бўлса, агар ишга зарар етаётган ёки адолатсизликка йўл қўйилаётган бўлса, ҳеч чўчимай баҳсга, мунозарага киришадиган киши коллективда обрў, теварак-атрофдагилар ўртасида ҳурмат қозонади. КПСС мана шундай коммунистлар билан кучлидир. Халқ қайта қуришда қатнашишни ҳаёт маъноси, шахсий шон-шараф, шахсий иззат-икром иши деб биладиган коммунистларга эргашади.

Партиянинг ижтимоий жараёнларга таъсири ўсиши кадрлар сиёсатига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бу сиёсатнинг асосий талаблари ҳозирги шароитларга мувофиқлаштириб, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида таърифлаб берилди. Кейинги вақтларда кўпгина янги, қобилиятли ўртоқлар раҳбарлик лавозимларига кўтарилдики, улар ишга зўр ғайрат билан киришдилар. Партия кадрлар сиёсатида волюнтаризм, чиновникларча ёндашув изчиллик билан тугатилишига, раҳбарлик лавозимларига кўтаришда анкета, таниш-билишчилик ёки ошна-оғайнигарчилик ҳал қилувчи роль ўйнайдиган вазият бошдан оёқ истисно этиладиган бўлишига ҳаракат қилмоқда. Бу эса кадрлар ишини янада ошкора тус олдиради, ақл-заковат, истеъдод ва маҳоратнинг мусобақалашуви учун майдон очади.

Кадрларни танлаш ва кўтаришда омма ҳал қилувчи овозга эга бўладиган, раҳбарларни, шу жумладан партия раҳбарларини чинакам конкурс асосида сайлаш, уларнинг меҳнаткашлар ва коммунистлар олдида мунтазам ҳисоб бериб туриши норма тусига кирадиган изчил демократизм шароитидагина кадрлар сиёсатига тўғри ёндашув мумкинлигини кадрлар ишини қайта қуриш соҳасидаги дастлабки тажриба тасдиқлаб берди. Энг обрў-эътиборли, қайта қуриш ғояларига садоқатли кишилар, ҳақиқий шахслар раҳбарликка келиши учун ҳамма ишни қилиш — кадрлар ишини бундан буён демократиялашнинг мақсадидир.

Партиянинг кадрлар масалаларидаги позицияси аниқ ва равшан ифодалаб берилган: партиянинг ғояларини сидқидилдан қабул этган, ўз тафаккури ва иш услубида замон руҳига мос келмайдиган ҳамма иллатларни ҳалол бартараф этиб тугатадиган, янгилик соҳиби бўлган, виждонан меҳнат қиладиган ҳар бир киши истиқболга эгадир, раҳбар бўлиб қолишдек маънавий ҳуқуққа эгадир. Акс ҳолда у ўз ўрнини бўшатиб бериши керак. Бу гап КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида яна бир бор рўй-рост айтилди. Тўғри кадрлар сиёсати — демократиялаш ва янгиланиш йўли ҳеч иккиланмай, қатъият билан ўтказилаверишининг кафолатларидан биридир.

Мамлакатда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига фаол тайёргарлик кўрилмоқда. Унда КПСС XXVII съездининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги таҳлил этилади, беш йилликнинг биринчи ярми якунланади, партия билан жамият турмушини янада демократиялаш масалалари кўриб чиқилади. Конференция шарафига бошланган социалистик мусобақа кенг қулоч ёзмоқда. Оммавий ахборот воситаларида, кўпдан-кўп йиғилиш ва учрашувларда одамлар демократиялаш жараёнларини чуқурлаштириш учун активлик билан чиқмоқдалар, ўз назарларида партия анжуманининг эътиборига сазовор бўладиган таклифларни киритмоқдалар. Айтилаётган ҳамма гапларни чуқур таҳлил қилиб, идрок этиш партияга конференцияга қайта қуришнинг халқ тажрибаси билан бойиган, унинг муаммоларини ва меҳнаткашларнинг кайфиятини билган ҳолда бориш имконини беради.

## Янгиланиш идеологияси позициясидан

Янги жамият қурилиши тарихининг энг муҳим, лекин ўзлаштирилиши қийин бўлаётган сабоқларидан бири шуки, ҳар бир қарор, ҳар бир амалий ҳаракат марксизм-ленинизм классиклари таърифлаб берган социализм моҳияти ва мақсадларига қиёсан қатъий имтиҳондан ўтказилиши керак. Партия жасорат кўрсатиб, муайян шароитлар ва айниқса шахсга сиғиниш даври ўз таъсирини қолдирган социализм ҳақидаги тасаввурлардан холи бўлиши керак бўлган ҳозирги пайтда бу сабоқ айниқса муҳимдир.

Бу ишни зиддиятларга тўлиб-тошган мураккаб вазиятда қилишга тўғри келади. Бир томондан, янгиланиш жараёнининг оммавий базаси кенгаймоқда, қайта қуриш учун курашаётган ижтимоий кучлар иттифоқи мустаҳкамланмоқда. Бу бизнинг олға ҳаракатимизга ёрдам берувчи қудратли омилдир.

Иккинчи томондан, кўп кишилар ҳозирча янги вазиятга психологик жиҳатдан кўника олмаётирлар, умумий ишга ҳали кўп кишилар кириша олмадилар, айримлар эса киришишни истамаётирлар. Бу эса қайта қуришга тўғаноқ бўлаётган каттагина тўсиқдир. Шу сабабли янгиланиш идеологияси мана шундай сиёсий аҳамият касб этмоқда: у ҳар бир коммунистга, ҳар бир совет кишисига мамлакат танлаб олган йўлни равшан тушунишга ёрдам беради. Халқнинг революцион ютуқларини қайта қуриш йўлларидагина сақлаб қолиш, ривожлантириш ва бойитиш мумкинлигини, бошқача ҳар қандай ёндашиш жамиятни ўтмишга қайтариши мумкинлигини англаб олишда ёрдам беради.

КПСС XXVII съездида XX аср охиридаги дунёга — зиддиятли, аммо ўзаро боғлиқ, кўп қиррали, лекин тобора яхлит тус олаётган дунё ҳақидаги қарашларнинг мунтазам системаси олға сурилди. Социализм — ана шу дунёнинг бир қисми ва биз қатъий аминмизки, унинг истиқболи порлоқдир. Янгиланиш идеологияси социализмга, тубдан ўзгараётган шароитларда унинг тарихий вазифасига ленинча қарашларнинг ривожланиши ва бойишидан иборатдир.

КПСС худди ана шу янги сиёсий тафаккур базасига таяниб, социалистик онгни шакллантириш жараёнига бошчилик қилмоқда, социализм ва тинчлик хусусидаги асл, ленинча идеаллар бутун совет халқининг мулки бўлиб қолишига эришаётир. КПСС шахсни камол топтириш, янги кишини — хўжайин, ижодкор, ватанпарвар ва интернационалистни, социалистик жамиятнинг муносиб гражданини камол топтириш проблемасини худди ана шу нуқтаи назардан кўриб чиқаётир. Бу инсон ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб бера оладиган, уларни танқидий баҳолаб мулоҳаза юритадиган, қайта қуришнинг сиёсий ва маънавий мақсадларига қиёслай оладиган бўлиши керак.

Қайта қуриш тақдири, бинобарин мамлакат тақдири, социализм тақдири ҳам коммунистлар, барча меҳнаткашлар тафаккурини қайта қуришга боғлиқ. Аммо бу, ўртоқлар, ишнинг бир томони холос. Инсон ўзгартириш фаолиятида амалий тарзда иштирок этган ҳолдагина тарихнинг тўлақонли ҳаракатчан шахсига айланади, ижтимоий жараённинг чуқур мақсадларини тушуна бошлайди, ҳаётнинг олижаноб мақсадини англаб олади.

Социалистик онг учун кураш — қайта қуришга қарши қарашлар ва кайфиятларни, эски тафаккур андозаларини бартараф этиш ҳамдир. Гап ўтмишга қаратилган қарашлардан холи бўлиш ҳақида боради. Бундай холи бўлиш жамиятнинг партия сиёсати теварагида жипслашувига хизмат қилади. КПСС ҳаммани социалистик янгиланиш платформасига ўтишга даъват этади. У стратегик йўлни ҳимоя қилиш ва ўтказишни, қайта қуриш принциплари асосида жамиятнинг реал, онгли маънавий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашни ўз вазифаси, деб билади.

Асосий масаладаги бирлик қарашларни сунъий равишда текислашни билдирмайди. У конкрет масалалар бўйича фикрларнинг хилма-хил бўлишини, у ёки бу муаммоларни ҳал этишда вариантлар кўп бўлишини тақозо қилади. Ҳар бир соғлом коллективда, умуман жамиятда шундай бўлиши керак. Туб масалаларда келишув вақтида нуқтаи назарлардаги тафовут, изланишлар ва мунозаралар — бирликка халақит бермайди, балки бирликни мустаҳкамлаш учун шароит яратади. Демократия ва ошкоралик социализмга эмас, балки бюрократизм ва консерватизмга путур етказади. Улар социалистик тузумга фақат куч бағишлайди.

Аммо баъзи кишилар буни сира ўзлаштира олмаётирлар. Улар қийинчиликларни қайта қуриш натижаси, деб кўрсатишга интиладилар, «ортиқча» демократиялаштиришни ва ошкораликни қоралайдилар, уларни анархизм ва «негизларга путур етказиш» билан аралаштириб юборадилар. Бу позиция сиёсий жиҳатдан номақбул бўлибгина қолмай, амалда қайта қуриш йўлида тўғаноққа айланмоқда. Масалан, бир жойда корхона ҳақидаги Қонунга чап бериб ўтадилар, бошқа бир жойда омилкор, тиниб-тинчимас, шу сабабли, ким учундир ноқулай бўлган одамнинг ташаббусини бўғадилар, учинчи жойда кўпроқ ишламоқчи, ва демак, кўпроқ ҳақ олмоқчи бўлган кишининг райини қайтарадилар. Баъзи жойларда эса принципларни ҳимоя қилиш пардаси остида тўғридан-тўғри қайта қуришга ҳужум қилмоқдалар.

Аслида гап қайта қуришдан норози бўлган консерватив кучларнинг қаршилиги ҳақида бораётир. Бу қаршилик баъзан, Ленин ифодаси билан айтганда «давлат аппаратимизнинг энг чанг босиб кетган бурчакларидан» келиб чиқмоқда. Бу қаршилик асосида манфаат ётади, лекин бу манфаат турғунликдаги турмуш тарзини бузаётган, айрим кишиларни ўзлари муносиб бўлмаган лавозим неъматларидан, бошқа бировларни ишлаб топилмаган даромадлардан маҳрум этаётган ўзгаришлар олдидаги қўрқувдан келиб чиқаётган ғаразли манфаатдир. Бундай кишиларнинг ҳар иккала тоифаси қайта қуришга мослашаётир, лекин аслида ғилдиракни орқага бураб, олға ҳаракат манзарасини вужудга келтиришга интилаётир. Худди ана шу кишилар партия қўйган вазифаларнинг реаллигига ишончсизлик уруғини сочмоқдалар. Бу эса одамлар билан ишни активроқ олиб бориш, қайта қуришнинг ҳозирги муаммолари, мақсадлари ва моҳияти манбаларини тушунтириш зарурлигини кўрсатувчи яна бир асосдир.

Партия мамлакатнинг Октябрдан кейинги тарихини холисона идрок этишни кейинга сурмаслик ташаббускори бўлганлигининг сабаби шуки, бугунги кўпгина иллатлар кеча социализмнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий принципларидан чекиниш натижасида келиб чиқди. Тарих ҳақиқати билан тарбиялаш осон иш эмас, у кўпларнинг манфаатларига дахл қилади. Баъзи кишилар ўтмиш ҳақида ҳалол гаплашишни умуман истамайдилар. Биз ютуқлар ва хатоларга тўғри нуқтаи назардан қарашга, янги жамият қурилишига барча совет авлодлари, уларнинг атоқли намояндалари қўшган ҳиссага объектив баҳо беришга ўрганаётирмиз. Революцияда, социализм учун курашда актив қатнашган кўпгина коммунистларнинг пок номи тикланди. Кўп миллатли маданиятимиз ва фанимиз арбобларининг ҳақсиз равишда унутилган асарлари ва китоблари халққа қайтарилаётир.

Бу иш истиқбол сари йўлни тозалашда ёрдам бераётир. КПСС бу ишни ҳақиқат ҳар қанча аччиқ бўлсада, уни безамасдан, ҳамма гапни айтиб давом эттириш ниятидадир. Сиёсат, идеология, маданият, миллий муносабатлар соҳаларидаги ҳаёт улоқтириб ташлаган эски гапларни ҳимоя қилиш йўлида ҳозирги воқелигимизга қарши тарихни иттифоқчи қилиб олиш тўғрисидаги уринишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, албатта.

Одамлар бугунги кунда қайта қуриш нимани таклиф этаётганини ва у инсондан, бутун жамиятдан нималарни талаб қилаётганини, хуллас, ҳамма нарсани асосли тарзда англаб олишни истаётирлар. Шу сабабли ишонтириш методи — халқни жипслаштиришнинг энг асосий, самарали воситасидир. Ундан фойдаланиш ходимлар сиёсий тарбиясининг юксак даражада бўлишини, омма билан муомалада соф демократизм бўлишини тақозо этади. Ишонтириш — одамлар билан ҳурмат доирасида суҳбат олиб бориш, буйруқбозлик, эътиборсизликка йўл қўймаслик, далиллар кучига таяниш демакдир. Ишонтириш — мунозара маданиятини жиддий ўрганиш демакдир. Ўз позициясини ҳимоя қилиш учун бировнинг бўйнига тавқилаънат осишга, ўз ҳақлигини исботлаш учун сафсатабозлик қилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Биз ўзимизгагина эмас, балки бизни қуршаб олган бутун дунёга янгиланиш идеологияси позициясидан қараётирмиз. Янги тафаккур мамлакатимизда социализм муаммолари ва истиқболларини инсоният тараққиёти муаммолари ва истиқболлари билан узвий боғлаётир. Унга ядро асридан илгариги давр ҳақидаги тасаввур ёт бўлиб, у ҳукмдорлик ва ялпи зиддият, душманлик ва муросасизликдан иборат империалистик концепцияларга оламшумул масалаларни, аввало уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этишда барча давлатларнинг шериклик ва ҳамкорлик қилишига, ҳар бир халқнинг ўз ривожланиш йўлини эркин танлаш ҳуқуқини ҳурмат қилишга, барча мамлакатлар ўртасида маданий руҳдаги муносабатлар ўрнатишга даъватни

(Давоми учинчи бетда).

